# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 11 сентябрь, № 179 (4589) Пайшанба


# ВАТАННИ ШАРАФЛАГАНЛАР ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 сентябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди.**





— Биз бугун яқинда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX Олимпиада ўйинларида қатнашган ва юксак ғалабаларга эришган спортчиларимизни қутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик, — деди давлатимиз раҳбари. — Бутун жаҳон спорт ишқибозлари қатори Ўзбекистонда ҳам миллионлаб мухлислар дунёдаги энг нуфузли мусобақа бўлган ана шу халқаро олимпиада беллашувларининг қандай кескин ва машаққатли курашлар остида ўтганини кузатиб турди.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шундай шиддатли ва муросасиз курашларда юксак марраларни эгаллаш учун қатнашган спортчиларимиз, албатта, халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг диққат-эътиборида бўлгани, ҳар қайси спортчининг мухлислари уларни қўллаб-қувватлаб, мадад тилаб тургани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда бу ўйинларга бетараф одам бўлмади, бутун Ўзбекистон халқи сизлар эришган ютуқларни, худдики, ўз ғалабасидек қабул қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шу нуқтаи назардан баҳолаганда, мана шу Олимпиадада сизлар қўлга киритган натижалар бутун халқимизнинг, авваламбор, сизларга жону дили билан омад ва муваффақият тилаб турган ёшларимизнинг ғалабаси бўлди, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади, — деди Президентимиз.

Пекиндаги мусобақаларда иккинчи бор Олимпиада чемпиони олтин медалини қўлга киритган Артур Таймазов, кумуш медаллар билан тақдирланган Абдулла Тангриев ва Сослан Тигиев, бронза медалларига сазовор бўлган Екатерина Хилько, Ришод Сobиров ва Антон Фокин ана шундай ўта кескин ва шиддатли курашларда ғолиб чиқиб, ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлик намунасини кўрсатгани халқимизга чексиз қувонч ва ғурур бахш этганини бугун барчамиз хурсандчилик билан қайд этамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шундай юксак марралар ва ютуқларга эришган Ўзбекистон спортчиларини, Олимпиадада қатнашган барча йигит-қизларимизни, шу ғалабаларни қўлга киритишга муносиб ҳисса қўшган, ёш спортчиларни тарбиялаб, уларга куч-қувват ва маҳорат бағишлаган устоз-мураббийларни, бутун команда аъзоларини яна ва яна бир бор табриклаш менга катта мамнуният ва ифтихор етказади.

Бу ғалабанинг асосий моҳияти ва аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон номини ва нуфузини бутун дунёда янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга хизмат қилади.

Айни пайтда бу улкан ютуқ бугун ҳаётга кираётган, машҳур спортчилар сафига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, куч-ғайрати ва спорт маҳоратини ошириб келаётган ёш, навқирон авлодимизга ўрнак ва ибрат бўлиши билан, айниқса, шарафлидир.

— Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, — деди Президентимиз, — Ўзбекистон спорт жамоатчилиги, спортга ихлосманд бўлган халқимиз Пекин Олимпиадаси якуни билан бир ҳақиқатни яхши англаб, хулоса чиқармоқда. Яъни, бутун жаҳон жамоатчилиги кузатиб турадиган бундай нуфузли мусобақаларда ғалабага эришиш, ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган натижаларни қўлга киритиш, энг аввало, бизнинг барчамизга боғлиқдир.

Биринчи навбатда, спортчиларнинг ўзига, уларнинг азму шижоат, ирода ва қатъият бобида ҳеч кимдан кам бўлмасдан, дунёдаги энг юксак спорт марраларини эгаллаш учун интилишига боғлиқ. Ва албатта, спорт устозларининг ўз мураббийлик малакаси ва маҳоратини оширишига боғлиқ. Ўзбекистонимизда бутун дунёга донғи таралган спорт устозлари мактабини яратишимизга боғлиқ.

Бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларни тайёрлаш бўйича Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, керак бўлса, спорт соҳасида илғор илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш зарур.

Лекин олдимизда турган энг катта вазифа — мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш учун давлат ва ижтимоий идораларнинг, бу масалага дахлдор бўлган барча ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг куч ва имкониятларини сафарбар этиш, айниқса, спорт билан фаол шуғулланаётган азиз фарзандларимиз сафини янада кенгайтириш лозим.

Энг муҳими, нафақат спорт соҳасига ажратилаётган маблағларни кўпайтириш, айни пайтда бу масалага эътиборимизни яна ва яна бир бор кучайтириш зарур.

Ҳаммамизга маълумки, биз Пекин Олимпиадаси якунларини чуқур таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш, 2012 йилда Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига чуқур тайёргарлик кўриш учун ҳукумат комиссиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилдик.

Ўйлайманки, бу қарорда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар жаҳон ва Осиё қитъасида, минтақамизда бўлиб ўтадиган мусобақаларда катта ютуқ ва ғалабаларни, янги-янги медалларни қўлга киритиш йўлида мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, илгари айтган даъватни яна бир бор такрорлаб айтишга ижозат бергайсиз: бўш келманглар, азиз фарзандларим, эртанги кун бизники, марра бизники.

Барчамиз шу даъват билан яшашимиз керак, шу даъватни амалга ошириш учун ўзимизни аямаслигимиз керак, — деди пировардида Ислом Каримов.

Истиқлолимизнинг 17 йиллиги нишонланиши арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ, Пекин Олимпиадасида олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиби бўлган спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга, мамлакатимизда истеъдодли ёш спортчиларни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ислом Каримов уларга ана шу юксак мукофотларни топширди.

Учрашувда Артур Таймазов, Абдулла Тангриев, Екатерина Хилько, Владимир Пятаев, Антон Фокин Президентимиз Ислом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган катта эътибор учун миннатдорлик изҳор этдилар. Бу юксак эътибор Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишда муҳим омиллардан бири бўлаётганини, мамлакатимиз спортчилари бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байроғини баланд кўтаришларини таъкидладилар.

**(ЎзА)**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ
## «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 23 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги 436–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда) **29-моддаси биринчи қисмининг 11-банди** «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 сентябрь
№ ЎРҚ — 175

Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ
## Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 14 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 29 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар) **211-моддасининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) жиноят қуроллари, кимга тегишлилигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 сентябрь
№ ЎРҚ — 176

Қирқиш чизиғи

Суғурта қилдирувчи суғурта бадалларини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариш кечиктирилганда суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда жарима ва пенялар тўлайди.

**15-модда. Суғурталовчининг жавобгарлиги**

Суғурталовчи ушбу Қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши, шунингдек туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга ошириладиган суғурта товони тўловларининг белгиланган ҳажмларда ўз вақтида молиялаштирилиши учун жавобгардир.

**16-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**17-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**18-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 сентябрь
№ ЎРҚ — 174



Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
## ҚОНУНИ
## Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2008 йил

Қирқиш чизиғи

**5-модда. Суғурталанган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Суғурталанган шахс:
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича суғурта товони билан таъминланиш;
суғурта ҳодисасини текширишда, шу жумладан касаба уюшмаси органи ёки ўз ишончли шахси жалб қилинган ҳолда иштирок этиш;
суғурта ҳодисаларини текшириш натижаларига доир қарорлар устидан шикоят қилиш;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида суғурта қилдирувчидан, суғурталовчидан бепул ахборот олиш;
тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиш масалалари юзасидан давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларига ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига мустақил равишда мурожаат этиш;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси масалалари бўйича ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга, шунингдек касаба уюшмаси органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.
Суғурталанган шахс:
меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига риоя этиши;
суғурта ҳодисаси юз берганда, ўз яшаш жойи ёки иш жойи ўзгарганлиги тўғрисида, шунингдек ўзи оладиган суғурта товонининг миқдори ўзгаришига ёки уни олиш ҳуқуқининг йўқолишига сабаб бўлувчи ҳолатлар ҳақида бундай ҳолатлар вужудга келган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилиши;
тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилишга доир тавсияларни бажариши, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси белгилаган муддатларда тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиши шарт.
Суғурталанган шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**6-модда. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Суғурта қилдирувчи:
суғурталанган шахс меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига, қоида ва йўриқномаларига риоя этишини талаб қилиш;
суғурталанган шахсга суғурта ҳодисаси содир бўлганда



Буклаш чизиғи

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча ёрдам кўрсатиш;
ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.
Суғурта қилдирувчи:
суғурта бадалларини суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда тўлаши;
суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш чораларини таъминлаши;
суғурта ҳодисаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириши;
суғурта ҳодисаси содир бўлган кундан эътиборан бир сутка ичида бу ҳақда меҳнат шароитларини муҳофаза ва экспертиза қилиш давлат инспекциясига хабар қилиши;
суғурталанган шахсни тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига тиббий текширувдан (қайта текширувдан) ўтиш учун юбориши;
суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва уларни текшириш масалалари бўйича давлат органларининг қарорларини ижро этиши ҳамда касаба уюшмаси органларининг таклифларини кўриб чиқиши;
суғурталанган шахсларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини ўз маблағлари ҳисобидан ўқитиши;
суғурталанган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг тартиби ҳамда шартларини тушунтириши;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини суғурталанган шахсга тақдим этиши шарт.
Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**7-модда. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Суғурталовчи:
суғурта ҳодисалари тўғрисидаги ахборотни текшириш;
ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси масалалари юзасидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш;
ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек суғурталанган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.
Суғурталовчи:

***Чет эл инвестициялари иқтисодий юксалишни янги босқичга кўтаришнинг, халқ хўжалиги тармоқларига замонавий технологияларни жалб этишнинг, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юксак даражада рақобатлаша олишини таъминлашнинг ва бағоят талабчан халқаро бозорга чиқишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан таъкидланганидек, чет эл инвестицияларини фаол тарзда жалб этиш орқалигина замонавий, экспортга йўналтирилган, рақобатбардош иқтисодиётни барпо этишимиз мумкин.***

# МИНТАҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, шунингдек, БМТ Ривожланиш Дастури билан биргаликда ташкил этган семинар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мамлакат минтақаларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришдаги ролини ошириш масалаларига бағишланди.

Муҳокама асносида шу нарса қайд этилдики, мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда мақбул ҳуқуқий инвестиция муҳити, чет эллик инвесторлар учун кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими яратилди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирларининг яхлит тизими ишлаб чиқилди. Чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилган ишлар ҳар тарафлама кучайтирилганлиги натижасида биргина 2007 йилнинг ўзида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги 23 та объект фойдаланишга топширилди. Ўзлаштирилган чет эл инвестицияларининг умумий ҳажми 2006 йилга нисбатан 58 фоиздан ҳам кўпроқ ошди ва 1 миллиард доллардан зиёдроқни ташкил этди. Шуниси ҳам борки, хорижий капитал киритмаларининг 76 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этмоқда. Чет эл инвестициялари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, экспорт ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда инвестицияларни жалб этиш жараёни янги босқичга кўтарилаётганлиги ва бунда, айниқса, мамлакат минтақаларининг роли ошиб бораёжаги семинарда алоҳида қайд этиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ҳокимликлари билан биргаликда ташқи иқтисодий салоҳиятни минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан фаол тарзда иш олиб бормоқда. Натижада бир қанча вилоятларда инвестиция бобида жалб этувчанлик даражаси ошди. Тадбир иштирокчилари чет эл инвестицияларини жалб этишнинг хилма-хил шакл ва усулларини ҳам муҳокама этдилар. Чунончи, "Uzbekistan Agrominitech Expo" кўргазма-савдосини ўтказиш анъана бўлиб қолди, бундай кўргазмаларда фермер ва деҳқон хўжаликларининг, агрофирмаларнинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик корхоналарнинг етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий, илғор минитехнологиялар ҳамда ускуналар билан яқиндан танишуви таъминланмоқда. Бу эса мамлакатимизда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш имкониятларини кенгайтиришдан ташқари, чет эл инвестицияларини жалб этишга қўшимча омил бахш этиш орқали минтақаларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ҳам ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга, чет эл инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш жараёнида анчагина фойдаланилмаётган резервлар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг ҳозирги вақтда қарор топган таркибий тузилмаси мамлакатнинг мавжуд инвестиция салоҳиятини акс эттира олмаяпти, бундай инвестицияларнинг минтақалар бўйича тенг тақсимланиши таъминланмаётган ҳоллар ҳам учраб қолмоқда.

Халқ депутатлари Кенгашларининг вакиллари минтақаларга чет эл инвестицияларини жалб этиш билан боғлиқ фаолиятнинг шакллари ва усуллари, Савдо-саноат палатаси, БМТ Ривожланиш Дастури ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик имкониятлари билан танишдилар. Чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш соҳасида кенг кўламда фикр ва иш тажрибаси алмашинилди.

Семинар ишида сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари раислари, вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**

# ИЖОДКОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУЛОҚОТИ

***Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Швейцария ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги ҳамкорлигида "Вақт белгилари: долзарб мулоқот" деб номланган замонавий санъат кўргазмаси ташкил этилди.***

**2008 йил — Ёшлар йили**



Унинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, санъатнинг барча турлари, жумладан, тасвирий санъатни изчил ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Юртимизнинг турли гўшаларида барпо этилаётган муҳташам ижод саройлари, музейлар, санъат масканлари айни шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси миллий санъатимиз, маданиятимизни равнақ топтиришга муносиб ҳисса қўшиш баробарида соҳада эришилаётган ютуқларни юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этиш, ижодкорларнинг ўзаро мулоқот ўрнатиши учун шароит ва имконият яратиш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўналишида ҳам самарали фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотларидандир. Жамғарма томонидан мунтасил ўтказиб келинаётган ижодий лойиҳалар, фестиваллар, бадиий кўргазмалар бунинг далилидир.

Замонавий санъат бўйича иккинчи марта ўтказилаётган ушбу кўргазмада Муҳаммад Фозилий, Жамол Усмонов, Бобур Исмоилов, Александр Николаев, Вячеслав Усеинов, Елена Камбина каби ижодкорларнинг тасвирий санъатнинг долзарб йўналишларидаги энг сара асарлари билан танишиш мумкин. Уларнинг асарлари халқаро миқёсдаги кўргазмалар, халқаро биенналеларда ҳам муваффақият қозонган.



**Р. ШАГАЕВ олган суратлар.**

Кўргазмада Франция, Испания, Германия, Озарбойжон, Қозоғистон каби давлатларнинг замонавий санъат бўйича рассомлари ижоди билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Кўргазмадан ўрин олган асарлар янги техник имкониятлар, рақамли технологияларнинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этгани билан ҳам санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

— Мен мазкур йўналишдаги кўргазмада ўтган йили ҳам иштирок этгандим, — дейди франциялик замонавий санъат устаси Роббер Кайен. — Ушбу кўргазма турли ёшдаги, турли йўналишда ижод қилувчи рассомларнинг ишларини намойиш этиш, уларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун жуда қулай имкониятдир. Кўргазмага тайёргарлик жараёнида юртингизда ёш мусаввирлар, ижодкорларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш, улар истеъдодини рўёбга чиқариш устувор ўрин тутишининг гувоҳи бўлдим. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг янада ғайрат билан изланишига хизмат қилмоқда.

22 сентябргача давом этадиган ушбу кўргазма доирасида ёш ижодкорларнинг моҳир мусаввирлар билан учрашувлари, ижодий мулоқотлар, маҳорат сабоқлари, анжуманлар бўлиб ўтади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан жойларда бир қатор учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.***

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Навоий шаҳрида ўтказилган семинар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Омбудсманнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги масалаларига бағишланди.

Унда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, олим ва мутахассислар, ЕХҲТ халқаро лойиҳалари координаторлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат экани, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамиятни ривожлантириш, давлат қурилиши, ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганини қайд этилди.

Мазкур халқаро ҳужжат қоидалари Конституциямиз ва миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топганлиги юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноий жазоларни либераллаштириш, инсон эрки, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасида улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада юртимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган қўллаб саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭНГ БЕБАҲО НЕЪМАТ

***1993 йилнинг 23 феврали ўз ҳаяжонли ва бахтиёр лаҳзалари билан бир умрга хотирамда муҳрланган. Ўша куни Юртбошимиз вилоятдаги фуқаролар йиғинлари фаоллари билан учрашув ўтказган эди. Ростини айтсам, ҳали-ҳануз шу воқеадан ҳаяжонланаман. Қолаверса, бу воқеа менга куч бағишлаб, доимо фаолликка ундаб келмоқда.***

**▼ Шукрона**

Абдулхолиқ Ғиждувоний маҳалласи нафақат Ғиждувондаги, балки Бухородаги қадим маҳаллалардан ҳисобланади. Президентимизнинг бизга кўрсатган эътиборидан сўнг маҳалламизни янада кўркам масканга айлантиришга келишиб олдик. Орадан ўтган йиллар ичида маҳалла, чиндан ҳам, энг кўркам масканга айланди. Аввалига ҳомийлар ва маҳалладошларимиз билан фуқаролар йиғини биносини қуришга бел боғладик. Тез орада қадимий ва замонавий услубларни ўзида жам этган кўркам бино қад ростлади. Кейин ободончилик ишларига эътибор қаратилди. Аслида, бу саъй-ҳаракатлар мунтазам равишда йўлга қўйилган.

Эндиликда маҳалламизга келган ҳар қандай киши кўркам кўча ва бинолар, боғларни кўргач, тасанно айтади. Тўғрисини айтганда, бу каби мақтов ва эътирофларни кўп бора эшитганмиз. Шундай кезларда бу саъй-ҳаракатларнинг аввалида Президентимизнинг рағбати турганини бот-бот такрорлайман.

Ҳозирги кунда маҳалла ҳудудида муҳташам спорт мажмуаси ишлаб турибди. Унга қатнаётган ёшларни кўрганимда, беихтиёр қалбимда севинч ва ифтихор туйғуси уйғонади.

Ғиждувоний қадим маҳаллалардан бўлгани боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий ҳунармандчилигимиз янада жонланиб кетди. Маҳаллада 2 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, уларнинг 90 фоизи миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиб келаётир. Айниқса, сандиқсозлик, зардўзлик, новвойлик, бўйрадўзлик ва қандолатчилик кенг ривожланган. Яқинда эса тикувчилик цехи ташкил этилиб, унга 25 нафар қиз жалб қилинди. Қувонарли томони шундаки, ҳунармандлик устахоналари ва янги ташкил этилаётган цехларда аксарият ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Яна бир гап: истиқлол шарофати билан Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг мозори улуғ ва мўътабар қадамжога айлантирилди. У зотни зиёрат қилиш ниятида келаётганларнинг сони жуда кўп. Ҳатто, хорижликларнинг ҳам қадами аримайди.

Шундай кезларда тинчлик, хотиржамлик, осойишталик ҳамда Президентимизнинг доимий ғамхўрлик ва эътибори киши тилига беихтиёр шукрона калимасини келтиради. Аслида, дориламон замон учун барча-барчасига беадад шукрона айтсак, арзийди.

**Нусрат ОСТОНОВ,**
**Ғиждувон туманидаги Ғиждувоний маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

# МИЛЛАТ ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПГАН АСАР

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганиш бўйича жойларда турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.***

Президентимизнинг мазкур асари барча идора ва ташкилотлар, таълим даргоҳларида ўқиб-ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ана шундай тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари С. Холбоев бошқарган тадбирда истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни тиклаш ва янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилгани, бу эса халқимизнинг жаҳонда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлгани алоҳида таъкидланди. Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини зарарли ғоя ҳамда мафкуралардан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. "Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта, кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади", дейилади асарда. Дарҳақиқат, бугунги мафкуравий хуружлар шиддат билан кечаётган дунёда инсон маънавияти ва тафаккурини забт этиш йўлида бўлаётган таҳдидларга қарши кураш олиб бориш, турли зарарли оқимлар юртимизга, айниқса, ёшларга ўз таъсирини ўтказишидан огоҳ бўлиш шу куннинг талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш юзасидан фикрлар билдирилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

✂ Қирқиш чизиғи

суғурта товони тўловларини амалга ошириш учун пул маблағларини тўплаши;

туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан амалга ошириладиган суғурта товони тўловларини белгиланган ҳажмларда ва ўз вақтида молиялаштириши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағлардан фойдаланишнинг ҳисобга олинишини таъминлаши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган зарур чораларни амалга ошириши;

суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва суғурта товони олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар тўғрисида ўз фаолияти натижасида олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**8-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағларни шакллантириш**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағлар суғурталовчи томонидан қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

суғурта қилдирувчиларнинг суғурта бадаллари;

ундириладиган жарима ва пенялар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

**9-модда. Суғурта товонининг турлари ва уни тўлаш**

Суғурта товони ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа, ногиронлик пенсияси ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тарзида тўланади.

Суғурта товони туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади.

Суғурта товони ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари учун суғурталовчи томонидан тўпланган пул маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

**10-модда. Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа**

Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида

**6**

Буклаш чизиғи

меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб касаллиги** — суғурталанган шахсга унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижасида унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллик;

**меҳнатда майиб бўлиш** — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида суғурталанган шахснинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

**суғурталовчи** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

**суғурта бадаллари** — суғурта қилдирувчининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан суғурталовчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда амалга ошириладиган ажратмалари;

**суғурталанган шахс** — меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлайдиган, суғурта қилдирувчи суғурталовчига шу шартномага (контрактга) мувофиқ суғурта бадалларини тўлайдиган, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси қилиниши лозим бўлган жисмоний шахс;

**суғурта қилдирувчи** — жисмоний шахсни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишга ёллаган юридик ёки жисмоний шахс;

**суғурта ҳодисаси** — суғурталанган шахснинг соғлиғига ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида зарар етказилганлиги ёки унинг вафот этганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт бўлиб, у суғурта товони тўловларини амалга ошириш бўйича суғурталовчининг мажбурияти вужудга келишига сабаб бўлади.

**4-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасига бўлган ҳуқуқларини қонунда белгилаб қўйиш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини амалга ошириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касаллиги оқибатида ходимнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимларнинг соғлиғини сақлаш.

**3**

Қирқиш чизиғи ✂

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса** — суғурталанган шахснинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини суғурта қилдирувчининг ҳудудида ёки ундан ташқарида бажараётганда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва суғурталанган шахсни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид

**2**

Буклаш чизиғи

тайинланган дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн маросимини ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда тўланади.

**11-модда. Ногиронлик пенсияси**

Ногиронлик пенсияси ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилганда тайинланади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ногиронлик пенсияси иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик келиб чиққан вақт ва ногиронлик белгилаб қўйилаётган муддат қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан аниқланади.

**12-модда. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси вафот этган суғурталанган шахснинг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади. Бунда ёшидан ва меҳнат лаёқатидан қатъи назар, фарзандларга, ота-онадан бирига ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингилга пенсия, агар улар вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунига қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса, боқувчининг қарамоғида турган-турмаганлигидан қатъи назар, тайинланади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси, шунингдек вафот этган суғурталанган шахснинг қарамоғида бўлмаган ота-онасига ва эрига (хотинига) ҳам, агар улар кейинчалик тирикчилик учун зарур маблағлар манбаидан маҳрум бўлиб қолган бўлса, тўланади.

**13-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**14-модда. Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги**

Суғурта қилдирувчи ушбу Қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши, суғурта бадаллари ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун жавобгардир.

**7**

# ТОШКЕНТДА БИР УЙ БОР...



***Сир эмас, йирик шаҳарлар, хусусан, Тошкент аҳолисининг салмоқли қисми кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Бу эса коммунал хизмат кўрсатиш, соҳага масъул уй-жой мулкдорлари ширкатлари тизими фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан ушбу бўғинга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли мавжуд муаммолар секин-аста ечимини топиб бормоқда. Бундан, айниқса, аҳоли мамнун бўлаяпти.***

Бироқ ҳамма жойда аҳвол яхши томонга ўзгараяпти, дея олмаймиз. Сабаби, қиш фасли бошланиши билан ҳали иситиш, ҳали канализация тизими, ҳатто, томдан чакка ўтишидан нолишлар қулоққа чалиниб қолади. Бундай ачинарли ҳолат бундан тўрт-беш йил аввал пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Алишер Навоий маҳалласидаги 4-уйда яшовчилар учун ҳам бегона эмасди.

Бугун 40 хонадон истиқомат қиладиган ушбу уйга келган кишининг баҳри-дили очилади. Негаки, бундан 30 йил илгари бунёд этилган ана шу тураржой кейинги 4 йил ичида қайта таъмирланиб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Эътиборли жиҳати шундаки, катта маблағ талаб этиладиган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг асосий қисмини шу ерда яшовчилар "Адолат сари" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг 9 кишидан иборат ободонлаштириш жамоатчилик кенгаши ташаббуси билан ҳашар усулида бажардилар.

Буни қарангки, ҳашарнинг устидан чиқибмиз.

— Ҳашардан ҳеч ким четда қолмади. Биз, кексалар ишни қойиллатмасак-да, ёшларга бош-қош бўлиб турибмиз, — дейди 85 ёшли Саҳида ая Мардонова.

Суҳбатдошимиздан ширкатдаги ўзгаришлар, уйдаги шарт-шароитлар ҳақида сўраймиз.

– Шу уйда яшаётганимга 30 йил бўлди. Кўриб турганингиздек, олдинги аҳволни ҳозирги шароит билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Ширкат раиси Юсуф ота Эшонқулов ҳамроҳлигида уйни кўздан кечирамиз. Ҳовли ва йўлаклар бир текис асфальтланган. Кириш майдончалари таъмирланиб, дам олиш ўриндиқлари ўрнатилган. Айвончаси ҳам бор. Уйнинг орқа томони эса хонадон эгаларининг маблағлари ҳисобига ўралиб, кўкаламзорлаштирилибди. Бу ерда кичкинтойлар учун ўйин майдончаси бунёд этиш ишлари олиб борилаяпти.

Ён-атроф озода. 100 тупдан ортиқ арча ва бошқа манзарали дарахтлар, анвойи гуллар нафақат хонадон соҳиблари, балки шу атрофдан ўтувчиларнинг ҳам кайфиятини чоғ этиши, табиий.

— Уйимизнинг коммуникация тармоғи қувурлари замонавий пластик қувурлар билан алмаштирилди, — дея ширкат раиси бизни ертўлага бошлайди. — Бунинг афзаллиги кўп экан. Хонадонларимиз қишда иссиқ, ёзда салқин. Қувур ёрилиб, безовта қилмайди. Айниқса, том мустаҳкам қилиб ёпилгани зўр иш бўлди-да.

**▼ Тажриба**

Бу ишларнинг ҳаммаси "Адолат сари" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилгандан кейин амалга оширилибди.

— Ширкат 2004 йилдан фаолият кўрсатмоқда, — дея сўзида давом этади Ю. Эшонқулов. — Ҳукуматимизнинг бу тизимга қаратаётган эътибори, давлат дастурлари ижроси натижасида мана шундай қулай шароитга эга бўлдик.

Бошқарув — ошкора. Нима иш бўлса, бамаслаҳат амалга оширамиз. Бошқарув ва тафтиш комиссиялари ишлаб турибди. Бундан ташқари, иккита жамоатчилик кенгаши ҳам тузилган. Мажбурий ойлик бадал ҳажми бошқа ширкатлардагига нисбатан анча паст. Тушадиган маблағ уйимиз аҳволини янада яхшилашга сарфланишини англаб етган хонадон соҳиблари уни вақтида тўлаб боришаяпти. Қарздорликлар йўқ. Айтганча, пулни қўлда йиғиб олмаймиз. Ҳамма "Ипотекабанк"даги ҳисобрақамимизга тўлайди. Айни пайтда ҳисобрақамимизда 3 миллион сўмга яқин маблағимиз бор.

Яна бир янгилик шуки, "дом"нинг асосий электр ускуна ва жиҳозлари таъмирланиб, электрон ток ўлчагичлар ўрнатилиши туфайли энергия сарфи бир неча баробар қисқарибди. Тежалган маблағ ушбу уйда яшовчи ўттизга яқин пенсионер ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг ўксик қалбини кўтариш мақсадларига сарфланаётган экан.

Пойтахтдаги бу уй ва унинг соҳиблари билан яқиндан танишиб, уларни улкан боғнинг ажойиб гулзорига менгзадик. Сабаби, бу ерда 12 миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, эзгу амаллари билан барчага ибрат бўлишмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**▼ Саломатлик**

## МАҲАЛЛАДА ТИББИЙ ХИЗМАТ

***Уйчи туманининг Ўнҳаёт қишлоғида яшовчи 15 мингга яқин аҳоли учун малакали тиббий ёрдам олиш имконияти туғилди.***

Бу ерда 145,8 миллион сўм сарфланиб, тикланган қишлоқ врачлик пункти 22 хонадан иборат бўлиб, ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Наманган шаҳрининг «Атангангузар» маҳалласида фойдаланилмай ётган бинони реконструкциялаш орқали барпо этилган шифохона ҳам ҳудуд аҳлига қувонч келтирди. Ҳар икки масканда кундузги даволаш бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган.

Вилоятда жорий йил бошидан буён 4 та шундай тиббий шохобча ишга туширилиб, фаолият кўрсатаётган ҚВПлар сони 231 тага етди. Уларга «Саломатлик — 2» лойиҳаси асосида янги ускуна ва жиҳозлар етказиб берилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

**▼ Жараён**

***Қонун ижодкорлигини такомиллаштириш ва қонунлар сифатини ошириш бугунги кунда ҳаётий заруратга айланган. Шу жиҳатдан, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш ва тизимлаштириш, қолаверса, уларнинг мукаммал рўйхатини тузиш амалий аҳамиятга эга. Мамлакатимиз Президенти таъбири билан айтганда, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий базасини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш давр талабидир.***

Маълумки, ислоҳотлар — кўп қиррали ва тадрижий жараён. Миллий қонунчилик тизимини яратиш борасидаги энг асосий вазифа, бу — мустаҳкам ва самарали қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, уларни амалда татбиқ этишни таъминлаш, мансабдор шахслар ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаро ва давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб беришдан иборатдир.

2008 йилнинг август ҳолатига кўра, мамлакатимизда 15 та кодекс, 600 та Ўзбекистон Республикаси қонунлари (улардан 174 таси қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида, 106 таси ўз кучини йўқотганлиги ҳақида), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4024 та фармони ва 954 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8511 та қарори, шу билан бирга, 1841 та рўйхатдан ўтказилган идоравий норматив ҳужжатлари (улардан 1121 таси амалда) қабул қилинди. Шубҳасиз, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий муносабатларни тартибга солишда асосий ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, Истиқлол йилларида фақатгина миллий қонунчилик тизимига асос солиниб қолмади, балки қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш технологияси тубдан ўзгарди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тубдан янгиланди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг мақсад ва вазифалари, принциплари, таркибий қисмлари билан биргаликда мукаммал ҳуқуқий базани ташкил этади. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, уни ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш ҳаётий зарурат ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти мутахассислари "Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари рўйхати" тўпламини тайёрлади.

Тўплам кириш, 1989-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари рўйхати, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, унга қўшилиш тўғрисидаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ратификация қилган) халқаро кўп томонлама шартномалар рўйхати (МДҲ доирасида қабул қилинганлари бундан мустасно), Ўзбекистон Республикаси тузган икки томонлама шартномалар рўйхати (МДҲ давлатларидан ташқари), Ўзбекистон Республикасининг МДҲ давлатлари билан тузган икки томонлама шартномалар рўйхатидан иборат.

Тўпламни тайёрлашдан мақсад — қонун ижодкорлиги фаолиятида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ундан самарали фойдаланишга эришиш. Бундай тизимлаштириш амалиётда қўллашга ёрдам беради. Энг муҳими, янги қонунларнинг моҳиятини тушунишда, демократик жараёнларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришда, ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда бу китоб қўл келади.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тизимли равишда ўрганиш натижасида тайёрланди. У асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукаммал рўйхати бўлиб, мантиқий кетма-кетликда ифода этилган.

Тўпламнинг яна бир афзаллиги шундаки, фойдаланувчилар Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳақида тўлиқ маълумот олишлари мумкин. Негаки, қонун ҳужжатлари, уларнинг вақти ва тартиб рақами, ўзгартиш ва қўшимчаларнинг тўлиқ рўйхати ҳамда расмий эълон қилинган манбалар ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган.

Миллий қонунчилигимиз ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжларига мос равишда ривожланиб бораверади. Ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати ҳам ўзгаради. Шу маънода тизимли ёндашув асосида тайёрланган мазкур тўплам муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор.**

Спорт ● Sport ● Спорт

## АДҲАМНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

***Ўзбекистон номини жаҳон спорт майдонларида юксакларга кўтараётган ҳамюртларимиз орасида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганлар кўпчиликни ташкил этади.***

Бу бежиз эмас. Президентимиз томонидан Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.



Куни кеча Хорватиянинг Сплит шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ҳарбий спортчилар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам юртдошларимиз совриндорлар сафидан жой олишди. Мусобақада дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан келган полвонлар медаллар учун кураш олиб боришди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, жаҳон чемпионатида мураббий Владимир Орлов бошчилигидаги етти нафар вакилимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Аҳамиятлиси, уларнинг уч нафари мамлакатимизга медаллар билан қайтадиган бўлди. Айниқса, эркин кураш баҳсларида 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан полвонимиз, МҲСК спортчиси Адҳам Очилов энг яхши кўрсаткичга эришди. У ўз вазни тоифасида барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Эркин курашчиларимиздан А. Присяжнюк (74 кг.) ва А. Воҳидов (66 кг.) бронза медаллари билан тақдирланишди.

## ЮРТДОШЛАРИМИЗ ПАРАЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА

***Хитой пойтахти Пекинда Паралимпиада ўйинлари қизғин давом этмоқда.***



Унда дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатидан келган 4 минг нафардан зиёд имконияти чекланган спортчилар иштирок этаяпти. Нуфузли мусобақада икки нафар имконияти чекланган спортчимиз ўз омадини синаб кўради. Карлар беллашувларида эса футбол терма жамоамиз қатнашмоқда. Паралимпиада ўйинлари 17 сентябрь куни якунланади.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

## ЯНА ҒОЛИБ БЎЛМОҚЧИ

***Сўнгги кунларда хорижий оммавий ахборот воситаларида таниқли велопойгачи Ленс Армстронгнинг яна катта спортга қайтиши ҳақидаги хабарлар берила бошланди.***

Бу ҳақда спортчининг расмий сайтида ҳам маълумот тарқатилди. Унга кўра, шу йилнинг 24 сентябрь куни Армстронг иштирокида матбуот анжумани ўтказилади.

Мухлисларга яхши маълум, Армстронг «Тур де Франс» пойгаларининг етти карра (1999-2005 йиллар) ғолиби ҳисобланади. Яқинда 37 ёшга тўладиган Армстронг келгуси йили бўладиган навбатдаги «Тур де Франс» мусобақасида иштирок этиб, ғалабалари сонини саккизтага етказиш ниятида экан. У 2005 йили фаолиятини якунлаганини маълум қилганди.

**Ф. АБИЛОВ тайёрлади.**

Спорт ● Sport ● Спорт










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6 7